

ЭКОСИСТЕМАЛАР МАҲСУЛДОРЛИГИ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ МУАММОСИ

М.Назаров, профессор,

Фарғона давлат университети

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7524267>

Аннотация: Жаҳон мамлакатлари тараққиётининг ҳозирги XXI аср босқичида сайёрамизнинг деярли барча қитъаларида инсоният ўзининг 3,5 млн йиллик фаолиятида мислсиз, хатто ақл бовар қилмайдиган ютуқларга эришди. *Homo sapiens* минг баровар илдамлашга эришди, маданийлашган жамоалардан глобаллашган мамлакатлар даражасига етиб келди. XX аср охирларида инсоният ривожланишини янги босқичига барқарор тараққиётга олиб борувчи йўлларни кашф қила бошлади. Бунинг учун олға қараб бориш ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маънавий ва экологик таълим-тарбиянинг барча босқичларида узлуксиз равиша умумлашган экологик тизимга ўтиш зарурлигини тушуниб етмоқда.

Калит сўзлар: экология, экосистема, экологик тарбия, табиат, жамият, табиий бойликлар.

ПРОДУКТИВНОСТЬ ЭКОСИСТЕМ И ПРОДОВОЛЬСТВЕННАЯ ПРОБЛЕМА

Аннотация: На современном этапе развития стран мира в XXI веке практически на всех континентах планеты человечество за 3,5 млн. лет своего существования добилось беспрецедентных, даже невероятных успехов. *Homo sapiens* добились тысячекратной поддержки, превратившись из цивилизованных сообществ в глобализированные страны. Новый этап развития человечества начался в конце XX века с открытия путей, ведущих к устойчивому прогрессу. Для этого движение вперед осознает необходимость перехода к экологической системе, которая непрерывно обобщается на всех этапах социально-экономического, политico-духовного и экологического воспитания.

Ключевые слова: экология, экосистема, экологическое воспитание, природа, общество, природные ресурсы.

ECOSYSTEM PRODUCTIVITY AND THE FOOD PROBLEM

Abstract: At the present stage of the development of the countries of the world in the XXI century, humanity has achieved unprecedented, even incredible successes in almost all continents of the planet for 3.5 million years of its existence. *Homo sapiens* have achieved a thousandfold support, turning from civilized communities into globalized countries. A new stage of human development began at the end of the XX century with the opening of paths leading to sustainable progress. To do this, the forward movement is aware of the need to transition to an ecological system that is continuously generalized at all stages of socio-economic, political, spiritual and environmental education.

Keywords: ecology, ecosystem, ecological education, nature, society, natural resources.

КИРИШ

Инсоният XXI асрга, фан-техника тараққиёти ўта ривожланган даврига кириб келди. Фан соҳалари тармоқлари бўйича юксалиб, инсоният цивилизациясини тезлик билан олға бошламоқда, аммо барча минтақаларда техноген ва антропоген омиллар таъсири кучаймоқда, табиат яратган барча ер ости ва устки бойликлари одамлар учун хизмат қилмоқда, янги технологиялар, улар учун қулай шарт шароитлар яратилишига олиб келмоқда. Саноат соҳаларининг ривожланиши табиий мухитга салбий таъсир кўрсатмоқда, экологик инқироз айrim ҳудудларда ўнглаб бўлмас даражада ҳавфли бўлиб қолди. Буни

Орол мисолида яққол кўриш мумкин. Бунга ўхшаш муаммолар бошқа ерларда тақрорланмаслиги учун инсоният бош қотирмоғи лозим, антропоген омиллар таъсирида ижтимоий-иктисодий инқизозга олиб чиқиши мумкин. Унинг олдини олишда турли соҳа мутахассислари ўзларининг экологик билимларини, экологик маданиятларини, экологик аҳлоқ, тарбияга эга бўлишлари ҳаттоқи, режалаштирилаётган ишларда муҳитга салбий таъсир этадиган кашфиётлардан воз кечишларига тўғри келади. Экологик яшаш муҳитларни, айниқса ер, сув, атмосфера ҳавосини ифлослайдиган технологиялардан фойдаланишдан воз кечмоқ ёки ишлаб чиқаришда заарсиз бўлган технологияларни топишлари керак бўлади. Ер, сув, ҳаво инсоният ва тирик организмлар учун энг зарурий биоген моддалар билан таъминлайди, демак уларни муҳофаза қилиш ҳар бир кишининг бурчи ва кундалик вазифаси бўлиб қолмоғи керак.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки дунёда органик моддаларнинг ҳосил бўлиши фотосинтез маҳсулоти бўлиб, одатда, биологик “соф” биринчи маҳсулдорлик деб юритилади, бунда албатта нафас олиш жараёнига сарфланган энергия чегараланиб ташланади.

Биологик маҳсулдорлик даражаси иккала хил ном билан юритилади, яъни органик қуруқ модда вазни ёки масса таркибидаги углерод (карбон) миқдори билан белгиланган. Органик масса вазни билан углерод хисобидаги нисбатни биологияда 0.45-га teng қилиб олинган, яъна углероддан органик модда хисобига ўтказишида уни (0.45) 2.2 сонига кўпайтириш керак. Одатда биомахсулдорлик г/м² ёки т/км² (йилда баъзан центнер хисобида).

Дунё қуруқлигидаги биомасса 130млрд. тонна органик модда ёки 60 млрд.тонна углерод ҳосил бўлади, дунё океанларининг жами массаси 90 млрд ва 40 млрд.тоннани ташкил этади. Жами “соф” бирламчи биомасса бир йилда 220млрд. тонна органик масса ёки 100 млрд.тонна углерод ҳосил бўлади. Ўртacha биомахсулдор кўрсаткичи 430 г/м² ёки 43 ц/га тўғри келади. Агар уни қуруқлик ва сув тизимиға алоҳида хисобласак бир м² /1000 г. ёки 100 ц.га, сувдаги эса 250 г/м² (25 ц/га) teng бўлмоқда.

“Ер юзасидаги тирик моддаларнинг умумий вазни 1 300 млрд тонна ёки 590 млрд тонна углеродга teng. Ўлик ҳолатдаги биомасса миқдори 3200 млрд. тонна яъни тахминан 1300 млрд тонна углеродга тенглаштирилади. Биологик бирламчи маҳсулот барча трофик даражалардаги организмларга сарфланади, яъни экологик пирамида қатнашувчилари учун ягона манба хисобланади. Одатда экосистемалар учун йилига 0.1%биомахсулот сарф бўлади, аммо бу табиий экосистемани эволюцияси учун сарф бўлади, қолган барча маҳсулот (органик моддалар) экосистема маҳсулдорлиги деб номланади (углерод бирлигига)[1, 23]”.

Биологик маҳсулдорлик фотосинтез натижасида ҳосил бўлиши ердаги ҳаётни таъминлаб турганлиги учун тез қайта тикланадиган манба бўлиб хисобланади. Ердаги ҳар йили тикланиб турган 220млрд органик масса экосиферани асосий ресурси бўлиб барча соҳалар (қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва бошқа соҳалар)нинг энергия билан таъминлаб туради. Ер юзи дехқончилиги 15млн км² майдонидан фойдаланади, тахминан 250млн.т. маҳсулотлар етиштирилади, ёки ўртacha ҳосилдорлик 17 ц/га –ни ташкил этади. Ер юзаси биотик олами глобал гидрологик циклда фаол қатнашади. Чунки уларни таркибида 90% сув бор, шу сабабли фотосинтез маҳсулотлари 60млрд.т углерод ва 500км³ сув бор, органик масса ҳосил қилишда бундан икки марта ортиқ сувни ўсимликлар ўзидан буғлантиради. Қуруқ масса ҳосил қиласи, ўсимлик уларни тупроқдан ўзлаштиради, барглари орқали

транспирация қиласи. Бу жараён сувни айланма харакатида (гидрологик циклда) тахминан 30000 км³ сув қатнашади, бу ерга ёғаётган ёғинларнинг 25% ни ташкил қиласи.

Органик масса ҳосил қилиш учун ўсимликлар қуёш энергиясини қабул қилиб бунда 133x1012 ват/ни ташкил қиласи. Бу кўрсаткич инсониятни энергия қувватига нисбатан 13 марта ортиқдир. Аммо қуёш нурининг ерга тушаётган радиациясини 016% гина биомасса синтези учун сарфланади, умумёруғликни 0.1% дан-1% гача қисмидир, ФАО миқдорини ошириш А.А (Ничипорович 1961) ғоясига кўра, 4-6% олиб чиқиш лозим бўлади (агроценоз далаларида). Агрономларни вазифаси С3, С4 ва Сn типидаги ўсимликлар гурухини яратиш усувларини топиш керак (фотосинтезни С3, С4 ... Сn йўллари). Аммо ҳозиргача С3, ўсимликлари кўпи билан маданий экинларнинг 5-8 турида, кунгабоқар, маккажўхори навларини яратишган холос. Бу ишдан мақсад яратилган дурагайлар ва навлар углерод ўзлаштиришини СО2 йўлига нисбатан 3-5 марта кўп ассимиляция қилмоғи, лекин барча харакатлар кўплаб илмий ишларда тасдигини топмаяпти, балки табиат эволюцион жараёнда фотосинтез жадаллигини ўзи учун мақбул, яъни кичик хажмдаги радиациядан фойдаланишни кашф қилгандир, яъни углерод балансини ортиши, экосферани барқарорлигини бузилиши эҳтимоли келиб чиқиши мумкиндири. Балки экологик пирамидада куруқ моддани трофик алоқаларда фойдаланишда КПД-си 10-20%дан ортаслиги хам экосфера учун мақбулдир.

В.Г.Горшков таъкидлашича, биосфера да хаётин мавжудодлар атроф табиий мухитни назорат қилиш қобилятига эгадир, чунки одамлар ўз фаолиятларида биотиклар яратган соф махсулотларни 1% атрофида фойдаланиб келишган, қолган 99% махсулот биотиклар ўртасида тақсимлаб олинган.

Демак, инсоният табиат қонуниятлари олдида ҳозирча кўплаб масалаларда ўз ожизлигини давом эттиromoқда, чунки инсон ақли кўплаб муаммоларни ҳозиргача етарли ҳал қила олмаслиги (у табиатни бир қисми) эволюцион босқичлар давом этиши билан балким экологик ва экобиологик муаммоларни ҳал қилишга бир кун келиб таффакури етади, деб ишонгимиз келади.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА МУҲОКАМА

Экотизмда биоранг-барангликни сақлаб қолиш масалалари. Биологик ранг баранглик (БРР) ердаги барча хаётин шаклларни ўз ичига олган тушунча бўлиб, Қуёш тизимиға кирувчи сайёralарнинг ичидаги ягонаси Ер эканлигини, БРР фақат шу ерда мавжудлигини исботидир. БРР ердаги хаётнинг кўп қиёфада бўлишлигини, бу бойлик организмларнинг турли-туманлиги, уларнинг генетик хилма-хиллиги билан фарқланишлигини англатадики, уни сақлаб қолиш биосфера барқарорлигини сақлаш демакдир. “Генетик томондан хилма-хиллик кенг ва бой бўлиб, турлар ичидаги генлар вариацияси жуда кенг доирада юз беради. БРР рўй бермаса организмларнинг, популяцияларнинг, ладшафт ва экотизимларнинг яшаси рўй бермайди. Ҳозирга келиб олимлар маданий ўсимлик ва ҳайвонларнинг комбинацияланишдан генлар даражасида илмий ишлардан ижобий натижалар олнимоқда[2, 56]”. Турлар ранг-баранглигига турлича баён этилган, ўсимлик, сутэмизувчи ҳайвонларнинг 85-90% турлари ўрганилган (Голубев 2000). Умумий турлар сони турли муаллифлар томонидан маълум бўлишича 3.6 млн.дан-112 млн гача деб кўрсатилмоқда. Бунда айниқса ҳашоратлар 2 млн дан 100 млн тургача деб айтилмоқда (бу жуда катта фарқ) ЮНЕП (1995) маълумотларига кўра (1500 олимлар фикри) турлар сони 13-14 млн, шундан 1.75 млн-и аниқланган холос (13%)

“Агар турлар сонини ландшафт турлари бўйича олсак (улар 90 хил) қуидагида ўрин олади: экваторни намли ўрмонлари; мұтадил (нам) ўрмонлар, океанлар ва уни қирғоқлари, Ўрта ер денгизи; ўрмонсиз (саванна, дашт) ландшафтлар. Булар ичиде намли эквоториал ўрмонларни Индонезиядаги 200 гектар майдонда Шимолий Америкада жойлашган барча ўрмон майдонларида турлардан кўпроқ учрайди. Шунингдек кароллор рифларда хам БРР жуда кўплиги билан ажралиб туриши аниқланди[3, 78]”.

1996 йилда чоп этилган “Глобальное биоразнообразие. Количество видов сосудистых растений” (атлас харитасида) Германиянинг БОНН университети олимлари томонидан тузилган қўлланмада таъкидалб ўтилган. Уларнинг фикрича юқори ўсимликлар дунёда 400000 турдан иборатdir, уларни биомахсулдорлиги БРР-да муҳим аҳамият касб этади. Хулоса қилинса ўсимликларни битта тури 66 турдаги хайвонлар, замбуруғлар, бактериялар ва бошқа зооценозларни озуқа билан таъминлайди. Харита камида иккита дунёвий глобал БРР қонуниятлари белгилаб берган дейиш мумкин:

1. БРР зонал ландшафт шароитларидан келиб чиқсан: намли эквоториал ва тропик ўрмонлар биоранг-баранг бўлиб, 3000-5000 турлар 10 минг км² учрайди, тайга ва аралаш ўрмонзорда 500 тур, тундра ва даштда 200 тур учрайди холос.

2. Харитада тропик ва субтропик жойларда ўзига хос табиий шароитлар яратилганлиги; БРР кўплиги, рельефни қулайлинги тупроқ, иқлим ва тарихан кўп турларини сақланиб қолишлирга рефугиумом (паноҳ) ролини ўйнаган.

Ўсимликларни келиб чиқишининг марказлари 1920йилларда Н.И.Вавилов биринчи марта кўплаб экспедицилар уюштириб (Африка, Америка, Осиё, Европа) бирламчи ва иккиласми марказлар ҳақида тўлиқ маълумотларни аниқлаган (хозиргача кўплаб дарсликларда ва тавсияларда шу тизим ишлатилиб келинмоқда).

Харитани яратувчилар “Фиторанг-баранг” деб ном қўйишиб 6-та марказни дунёвий БРР деб ном беришган, буларга:

1. Чоко (Коста-Рика)
2. Тропик шарқий Анд тоғлари
3. Бразилиянинг Атлантика соҳиллари
4. Шарқий Химолай тоғлари (Юннонъ (Хитой))
5. Шимолий Борнео
6. Янги Гвинея.

Бу асосий марказлардан ташқари яна 16 та энг кўп БРР жойлари (3000 турдан иборат, тарқалиш майдони 10000 кв.м.), бу марказларга улар Ўрта Ер (Кавказ хам), Тянъ-шанъ, Помир олой, Шарқий Африка рифтлар воҳаси, Каспий марказ (Африка жануби), Мадагаскар, Гвиан тоғ олди ва бошқалар киритилган.

Тарихдан маълум бўлишича, кейинги 500 млн йил ичиде Ерда турларни йўқолиб кетиши 5 марта такрорланган, охиргиси 65 млн йил олдин рўй берганлиги аниқланган, хар бир йўқолишилардан сўнг тахминан 10 млн йил вақт ўтган. Ҳозирда инсон фаолиятини таъсирида БРРни камайиш давом этмоқда, талофат қачон рўй бериши инсониятни мухитларга кўрсатаётган (антропоген) таъсирига боғлиқдир. Харита муаллифлари ёзишлирича хар бир йўқолишилардан олдин тахминан 30000 тур хайвон хам ўсимлик қолган, демак XX асрда ўтган геологик даврларга қараганда 40 марта ортиқ йўқотиш рўй берган, кейинги 400 йилда 484 хайвон ва 654 тур ўсимлик бутунлай йўқ бўлган.

Хуллас, биологик ранг-барангликни камайишига қуидагилар таъсир қилмоқда деб хулоса қилса бўлади:

А) Инсонларни кўпайиши ва иқтисодий ривожни тезлашуви, булар барча организмларни хаётига ва ер экотизимига катта таъсир кўрсатган.

Б) Бозор иқтисодиёти БРР га нисботан хақиқий баҳо беролмаганлиги орқали йўқ бўлмоқда.

В) Одамларни миграциясини кучайиши, халқаро савдо ва туризмни ривожланиши.

Г) Сув, тупроқ ва хаво мухитларини ифлосланишини ортиб бориши.

Д) Тирик организмлар учун яшаш шароитини торлиги, табиий манбалардан фойдаланишини кучайиши, интродукцияларни кўпайиши.

Хайвонларни 400 йил ичидаги йўқолишига асосий сабаблардан қўйидагиларни киритиш мумкин:

А) Интродукцияланиш даражасини ортиб бориши, бунда маҳаллийлар сони кескин қисқарган; (39%)

Б) Яшаш шароитларини камайиши ва бутунлай йўқолиши (36%)

В) Назоратсиз ов қилиниши (23%)

Г) Бошқа сабаблар (2%)

БРР ни камайиб кетмаслги учун: 1) Худудни кўриқлаш ишлари. 2) Антропаген тизимни камайтириш тадбирларига амал қилиш; 3) Экотизимни тиклаш тадбирлари; 4) Экотизимдан барқарор фойдаланиш.

Юқоридагиларга қарама-қарши бўлган қўйидагилар БРР ни камайишига олиб келади:

- Яшаш маконини бузилиши;
- Яшаш жойини тўғри келмаслиги;
- Яшаш маконини бузилиб кетиши;
- Экзотик турлар қолади;
- Ортиқча фойдаланиш;
- Ифлосланишини кучайтириш;
- Иқлимини ўзгариши.

Навбатдаги вазифа нима учун Ердаги Генетик турли хилма-хилликни сақлаш зарур бўлмоқда?

1. Ҳар қандай тур фойдалими ёхуд заарлами (уни фарқи йўқ) доимо сақланиб туриши ва яшashi керак. Бу кўрсатма БМТ Ассамблеясининг “Табиатни дунёвий харитаси” да ёзиб қўйилган.

2. Инсон табиатдан бахамад бўлиб ундан завқланиши, кайфиятни яхшилаши, эстетик завқ олиши лозим.

3. Ранг-баранглик бу хаётий формаларнинг эволюцион асосидир. Турларни ва генетик хар-хилликни камайиши ер юзасида ҳаётий шаклларни йўқ бўлиб кетишига олиб келади.

4. Ёввойи табиат турлари маданий ўсимлик ва ҳайвонот оламини сақлаб туришида улардан селекция ишларида фойдаланиш, янги навларни яратишга замин бўлиб қолади. Сўнгра она табиатдан ҳозирда дори-дармонларнинг 25-40% олинмоқда.

БРР муҳофаза қилишнинг турли услубиятлари мавжуд бўлиб, улардан иккиси стратегик йўллари, яъни in Sity (яшаш жойида) ва ex sity (бошқа жойда) кўпайтиришга интилмоқда, булардан “in Sity” асосий бўлиб, улар тур ва популяция даражасини қонунлар асосида муҳофаза қилинади, овлашни бошқариш ва сувда (халқаро), муҳофаза қилишнинг алоҳида ишлаб чиқилган баъзан реинтродуцияси табиий мухитда олиб борилмоқда

(масалан бизон, Прежевалский оти (зубр) кўплаб давлатларда ўсимлик ҳайвонот дунёсини сақлаш тўғрисида қонунлар яратилди ва уларга амал қилинмоқда. “Ex sity” усулида ёввойи ҳайвонларни чекланган сонда муҳофаза қилиш, зоопарк, ботаника боғларида, аквариум, уруғ ҳолда ва микроорганизмлар коллекцияси кўринишида сақланади. Шунингдек, вақти-вақти билан қизил китобга киритилиб туради. Кўпинча экосистема даражасида БРР муҳофаза қилиш бўйича алоҳида худудлар ташкил этилади.

ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Бутун дунё табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи (JUCN) 8 та номдаги худудларни ташкил этишни тавсия этган:

1. Заповедникларни тузишдан мақсад табиатни муҳофаза қилиш ва табиий жараёнларни боришига халақит бермаслик.
2. Миллий боғларни мақсади миллий ва хақаро аҳамиятга молик бўлган худудларда илмий ишларни олиб бориш, таълим, дам олиш учун мўлжалланган, одамлар бу жойдаги манбалардан маҳсулот сифатида фойдаланмайди.
3. Табиат ёдгорликлари катта худудни эгалламайди.
4. Резервантлар – юқори жавобгар шахслар томонидан рухсат берилса манбалардан фойдаланиш мумкин бўлган жойлар.
5. Муҳофаза этиладиган ландшафтлар, бу худудларга ерлардан 1-5 категориясига киритилган майдонлар.
6. Ресурслар резерванти – худудни муддатидан олдин тугаб кетишига йўл қўймаслик учун ажратилган майдонлар.
7. Антропологик резерват- маҳаллий ҳалқни ўтмиш билан боғлиқ бўлган ҳаёт тарзини сақлаб туришига имкон берадиган майдонлар.
8. Табиий ресурслардан кўп қиррали мақсадларда фойдаланишда сув, ўрмон, ҳайвон ва ўсимликларни яшаб туришига, ҳайвонлар боқиладиган, туризм учун фойдаланиладиган майдонлар.
9. Биосферавий заповедниклар, БРР ни сақлашиниши учун ажратилган майдонлар.
10. Умумжаҳон ўтмишини эслаб турадиган жойлар, дунё миқёсида ўзга миллатлар ўтмишидан қолган ёдгорликлар сақланадиган майдонлар.

Адабиётлар:

1. М.Назаров, О.Ибрагимов, Ш.Мамажонов. Экология ва атроф-муҳит муофазаси. Ўқув қўлланма. Тошкент, 2016.
2. М.Назаров, Ш.Мамажонов. Экология и охрана окружающей среды. Учебное пособие. Фергана, 2021.
3. М.Назаров, Ш.Холматова. Сув ва ҳавзаларнинг санитар ҳолати. Ўқув қўлланма. Фарғона,2020.
4. М.Назаров, М.Холиқулов. Экологик экспертиза. Ўқув қўлланма. Фарғона, 2022.
5. М.Назаров, К.Мирзажонов, О.Ибрагимов, С.Исаев. Дехқончиликнинг тежамкор технологиялари. Ўқув-услубий қўлланма. Тошкент, 2014.
6. М.Назаров, М.Холиқулов, М.Абдуллаева. Чиқиндишунослик (Гарбология). Ўқув қўлланма. Фарғона, 2022.
7. М.Назаров, М.Абдуллаева, Л.Жалилов.Тупроқ экологияси.Ўқув қўлланма. Фарғона,2022.
8. Xolikulov, M. R. (2020). THE HERB (Capparis spinosa L) IS AN IMPORTANT HONEY PLANT. Scientific Bulletin of Namangan State University, 2(3), 165-170.
9. Kholikulov, M. R. (2019). Current Status of Plant Resources in The Ferghana Valley and Opportunities To Use Them. Indonesian Journal of Innovation Studies, 8.